

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 637-ҳадис

637 - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: لَمْ يَكُنْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَاحِشاً وَلَا مُتَفَحِّشاً، وَكَانَ يَقُولُ: «إِنَّ مِنْ خِيَارِكُمْ أَحْسَنَكُمْ أَخْلَاقًا». مُتَقَّدٌ عَلَيْهِ [خ]

.[2331، م 3559]

637. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анхұмодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам

«У зот беҳаё сўзловчи ҳам, беҳаёлик қилувчи ҳам эмас эдилар. У зот: «Энг яхшиларингиз – чиройли хулқиларингиздир», деб айтардилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарх: Динимизда мўминларнинг мақталган хусусиятларидан бири уларнинг гўзал хулқидир. Энг чиройли хулқ соҳиби, шубҳасиз, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар.

Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: “Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз!” (“Қалам” сураси, 4-оят).

Ояти каримадаги “буюк хулқ”нинг маъноси ҳақида тафсирларда турлича маълумотлар келтирилган. Хулқ сўзи бу ерда асл маънода ишлатилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен гўзал хулқларни такомиллаштириш учун юборилганман”, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Ҳақиқатан, Муҳаммад алайҳиссалом биринчи даражадаги комил инсон эканликларига асло шубҳа йўқ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхұдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан одамларни кўпроқ жаннатга киритадиган нарса ҳақида сўралди. У зот алайҳиссалом: “Аллоҳга тақво қилиш ва гўзал хулқ”, дедилар. У зотдан одамларни кўпроқ дўзахга киритадиган нарса ҳақида сўралди. У

зот: «Оғиз ва фарж», дедилар» (Имом Насойй ривояти).

Киши гўзал хулқ билан тақводорлар эришган олий даражаларни қўлга киритиши мумкин. Шунингдек, инсон бир оғиз яхши сўзи орқали улкан саодатга эришиши ва аксинча битта ёмон сўзи билан бадбаҳтликка йўлиқиши мумкин. Шу боис тилни ёмон сўзлардан эҳтиёт қилиш керак.

Мўмин-мусулмонлар яхши инсон экани ҳаммага аён. Ўша яхшилар орасида энг яххиси, шубҳасиз, гўзал хулқ эгаларидир. Демак, янада яхши инсон бўлишга интилишимиз зарур. Шунда ҳам тақводор бўламиз, ҳам улуғ даражаларга эришамиз, инша Аллоҳ.

Манба: hadis.islom.uz

